

**“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2022 йил якуни фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ҳамда дивидендлар тўлаш масаласини кўриб чиқиш.**

2022 йил якуни бўйича Комбинат соф фойдаси 1 153 248 697 000 сўмни ташкил этган.

“Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг 2023 йил 30 июндаги 60-сон йиллик умумий йиғилиши қарорига кўра, “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш бўйича қарор қабул қилинган:

- 2022 йил якуни бўйича соф фойданинг 40 фоизи дивидендлар тўлаш учун йўналтирилган, бунда, оддий акция учун дивиденд миқдори **683,35 сўм**, имтиёзли акция учун **300 сўм** этиб белгиланган;

- 2022 йил якуни бўйича захира фондини шакллантириш учун соф фойданинг 5 фоизи йўналтирилган;

- “Ўзметкомбинат” АЖ ҳузуридаги инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш жамғармасига 2022 йил якуни бўйича соф фойданинг 1 фоизи йўналтирилган;

- бошқарув ва назорат органлари аъзоларини ҳамда менежментни (Кузатув кенгаши, Ижроия органи, Тафтиш комиссияси, Корпоратив маслаҳатчи ва бошқалар) 2022 йил якуни бўйича рағбатлантириш учун соф фойданинг 1 фоизи йўналтирилган;

- соф фойданинг қолган қисми, яъни 32 фоизи “Ўзметкомбинат” АЖ ихтиёрида қолдирилган.

Дивидендларни тўлаш муддати қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги белгиланган.